

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

16 июль 2018 й.г. № 540

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Нотариал ҳаракатлар ва ФХДЁ органлари хизматлари учун
тўловларни амалга оширишда интерактив хизматларни жорий
этишни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Давлат божлари, герб йиғими ҳамда нотариуслар ва ФХДЁ органлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар учун тўловларни амалга оширишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва адлия органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш ҳамда тижорат банклари махсус кассалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкининг:

нотариал хизматлар ва ФХДЁ органлари хизматлари учун тўловларни амалга оширишда интерактив ахборот-коммуникация воситаларидан, жумладан, банкомат, терминал, инфокиоска ва мобил иловаларни жорий қилиш ҳамда улардан кенг фойдаланиш;

нотариуслар ва ФХДЁ органлари ундирадиган ҳамда тижорат банкларининг нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари бинолари ва хоналарида очилган махсус кассалари орқали тушаётган давлат божи тўловлари суммасининг бир фоизи миқдоридан тижорат банклари мукофот олиши тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Нотариал идоралар ва ФХДЁ органлар биносида махсус кассалар ва тўлов пунктлари очилганлиги учун тижорат банклари ва тўлов пунктлари агентлик тармоқлари ижара тўлови, коммунал ва эксплуатацион хизматлар тўловларидан озод қилинсин, коммунал ва эксплуатацион хизматлар харажатлари кейинчалик адлия органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маблағлари ҳисобига қоплансин.

3. Тижорат банкларига:

нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари бинолари ва хоналарида очилган махсус кассалар иш режимини тегишли равишда нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари иш режими билан мувофиқлаштириш, шунингдек, уларни банк пластик карталаридан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозлаш;

нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари бинолари ва хоналарида очилган махсус кассаларнинг юқори тезликдаги жаҳон Интернет тармоғига уланишини таъминлаш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.К.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов